

«ТАСДИҚЛАНГАН»

«Туронбанк» АТБ Кенгашининг  
2021 йил «12» апрелдаги  
К-24 -сонли қарори  
Кенгаш Раиси  
Г.А.Холжигитов



«РЎЙХАТГА ОЛИНГАН»

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Раисининг  
биринчи ўринбосари

Б.Э.Захидов



2021 йил « 3 » март

DS-27-0272-1

**«Туронбанк» акциядорлик тижорат банкининг юридик шахслар учун депозит сертификатларини чиқариш муомалада бўлиш ва сўндирилиш шартлари (11-чиқарилиш)га киритилган ўзгартиришлар**

Банкнинг қимматли қоғозлар бозорида фаол иштироки орқали қўшимча молиявий инструментлардан фойдаланиш эвазига ресурс базаси барқарорлигини таъминлаш мақсадида, «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки Кенгашининг 2020 йил 30 октябрдаги К-77-сонли қарори билан тасдиқланиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2020 йил 13 ноябрда DS-27-0272-сон билан рўйхатга олинган «Туронбанк» акциядорлик тижорат банкининг юридик шахслар учун депозит сертификатларини чиқариш, сўндириш ва муомалада бўлиш шартлари (11-чиқарилиш)га асосан, банк томонидан 20 000 000 000 (йигирма миллиард) сўмлик депозит сертификатлари муомалага чиқарилган бўлиб, шундан 1 700 000 000 (бир миллиард етти юз миллион) сўм миқдордаги депозит сертификатлари жойлаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан депозитлар бўйича мақбул фоиз ставкасини ўрнатиш юзасидан қабул қилинган қарорнинг амал қилиш муддати 2021 йил 1 январдан бошлаб ўз кучини йўқотганлиги муносабати билан молия бозорида депозит фоиз ставкаларининг ошишига сабаб бўлаётганлигини инобатга олиб, шунингдек банк томонидан муомалага чиқарилган депозит сертификатларининг қолдиқ қисми 18 300 000 000 (ўн саккиз миллиард уч юз миллион) сўмнинг фоиз ставкалари маҳаллий банклар томонидан бугунги кунда юридик шахслар учун мўлжалланган депозитларга ўрнатилаётган фоиз ставкалари билан рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида, «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки Кенгашининг 2020 йил 30 октябрдаги К-77-сонли қарори билан тасдиқланиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2020 йил 13 ноябрда DS-27-0272-сон билан рўйхатга олинган «Туронбанк» акциядорлик тижорат банкининг юридик шахслар учун депозит сертификатларини чиқариш, сўндириш ва муомалада бўлиш шартлари (11-чиқарилиш)га қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин.

**1. 4.1.-банд қуйидаги тахирда баён этилсин:**

“4.1. Сертификатлар қуйидаги муддат ва фоизларда чиқарилади:

1) 2021 йилнинг 23 апрелига қадар жойлаштирилган 1 700 000 000 (бир миллиард етти юз миллион) сўм миқдордаги сертификатлар учун:

| Муомала муддати | Йиллик фоиз ставкаси |
|-----------------|----------------------|
| 365 кун         | 15 фоиз              |

2) 2021 йилнинг 23 апрелидан бошлаб жойлаштирилган сертификатлар учун:

| Муомала муддати | Йиллик фоиз ставкаси |
|-----------------|----------------------|
| 365 кун         | 16 фоиз              |
| 730 кун         | 17 фоиз              |
| 1 095 кун       | 18 фоиз              |

”.

#### 2. 4.7.-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“4.7. Сертификат сақловчиси сертификатни муддати тугагунга қадар ёхуд сертификатда кўрсатилган бошқа ҳолатлар юз бергунга қадар қайтариб беришни талаб қилиш нияти бўлса, у ўзининг бу ниятидан банкни депозитни олишни мўлжаллаётган санадан камида бир ой олдин хабардор қилиши шарт. Бунда сертификат бўйича фоиз тўлови сертификат ҳақиқатда муомалада бўлган муддат учун йиллик қуйидаги шартларда қайта ҳисобланади:

1) 2021 йилнинг 23 апрелига қадар жойлаштирилган 1 700 000 000 (бир миллиард етти юз миллион) сўм миқдордаги сертификатлар учун:

| № | Муомала муддати | Даромад миқдори (йиллик) |  |
|---|-----------------|--------------------------|--|
|   |                 | Белгиланган муддатда     | Белгиланган сўндириш муддатидан аввал тақдим этилганда |
| 1 | 365 кун         | 15 (ўн беш) фоиз         | 1-60 кун оралиғида 14,0 %;                             |
|   |                 |                          | 61-365 кун оралиғида 15,0 %                            |

2) 2021 йилнинг 23 апрелидан бошлаб жойлаштирилган сертификатлар учун:

| № | Муомала муддати | Даромад миқдори (йиллик) |  |
|---|-----------------|--------------------------|--|
|   |                 | Белгиланган муддатда     | Белгиланган сўндириш муддатидан аввал тақдим этилганда |
| 1 | 365 кун         | 16 (ўн олти) фоиз        | 1 - 60 кун оралиғида 15,0 %;                           |
|   |                 |                          | 61 - 365 кун оралиғида 16,0 %;                         |
| 2 | 730 кун         | 17 (ўн етти) фоиз        | 1 - 60 кун оралиғида 15,0 %;                           |
|   |                 |                          | 61 - 395 кун оралиғида 16,0 %;                         |
|   |                 |                          | 396 - 730 кун оралиғида 17,0 %;                        |
| 3 | 1 095 кун       | 18 (ўн саккиз) фоиз      | 1 - 60 кун оралиғида 15,0 %;                           |

|  |  |  |                                 |
|--|--|--|---------------------------------|
|  |  |  | 61 - 395 кун оралиғида 16,0 %;  |
|  |  |  | 396 - 730 кун оралиғида 17,0 %; |
|  |  |  | 731 - 760 кун оралиғида 17,5 %; |
|  |  |  | 761- 1095 кун оралиғида 18,0 %. |

Сертификат бўйича аввал амалга оширилган фоиз тўловлари қайта ҳисоблаш натижасида тўланиши лозим бўлган фоиз тўловлари миқдоридан ошган тақдирда, ортиқча тўланган сумма депозит суммасидан ушлаб қолинади.”.

Тикилган ва дақамланган

7 ( эмма )

Вардан иборат

3 май 2021 йил

Имзо

